

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**АХМЕДОВА НАСИБАХОН КОБИЛЖОНОВНА**

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ РАЎБАРЛАРИ БОШҚАРУВ  
ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

**Ахмедова Насибахон Кобилжоновна**

Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш.....3

**Ахмедова Насибахон Кобилжоновна**

Повышение эффективности управленческой деятельности руководителей общеобразовательных средних школ ..... 27

**Akhmedova Nasibakhon Kobilzhonovna**

Increasing the efficiency of management activity of managers of comprehensive secondary schools ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 54

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМий ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**АХМЕДОВА НАСИБАХОН КОБИЛЖОНОВНА**

**УМУМий ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ РАЎБАРЛАРИ БОШҚАРУВ  
ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Ped2 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек,рус) веб-саҳифанинг [www.tgpu.uz](http://www.tgpu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net) манзилларида жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Турғунов Собитхон Тошпўлатович,**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Ибрагимов Холбой Ибрагимович**  
педагогика фанлари доктори, профессор  
**Халилова Шахноза Турғуновна**  
педагогика фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** **Бухоро Давлат Университети**

Диссертация химояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси 27-уй. Тел.: (99871) 255-80-86; факс: (99871) 256-76-51; e-mail: [tgpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tgpu_kengash@edu.uz))

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси 27уй. Тел.: (99871) 255-76-87; факс: (99871) 256-76-71;

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.С.Шарипов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, п.ф.д.

**Р.Г.Исянов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, п.ф.н.

**Д.Д. Шарипова**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д.,

## **КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида юз бераётган бугунги глобаллашув шароитларида таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириш жамият барқарорлиги ва инсонлар фаровон турмушининг гарови сифатида намоён бўлмоқда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб бир неча таълим турларини ўз ичига олган узлуксиз таълим тизимини жорий этиш мақсадида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари таълимни тубдан ислоҳ этиш асосида узлуксиз таълим тизимини барпо этиш, таълим мазмунини янгилаш ҳамда таълим жараёнлари самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлатни қуриш ва умумий ўрта таълим муассасаларида шахсга йўналтирилган таълим жараёнларида инновацион фаолият ривожланмоқда. Таълимий дастурларнинг мазмуни сифат жиҳатдан янгиланди. Таълим муассасаларини аттестация қилиш, аккредитациядан ўтказиш ва уларга лицензия бериш тизимининг меъёрий базаси ва инфратузилмаси яратилди. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакаларини оширишга йўналтирилган вариатив дастурлар ишлаб чиқилди. Мазкур вазифаларни амалга оширишда таълим муассасаси раҳбарларининг юксак ахлоқий ва инсоний сифатларга, ҳамда касбий салоҳиятга эга бўлиши, узоқни кўра билиши, билимдон ва тадбиркорлик фазилатига эга бўлиши талаб этилади.

Жаҳонда таълим, жумладан, мактаб раҳбарлари бошқарув фаолияти йўналишлари, уларнинг касбий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган илмий изланишларда мактаб фаолияти бошқарувининг натижаси қай даражада самарадор эканлигига алоҳида урғу берилгани ҳолда, асосий эътибор раҳбарларнинг бошқарув фаолияти сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилмоқда. Ушбу тадқиқотлар таркибида мактабни илмий-методик бошқариш асослари, фаолиятни объектив баҳолаш, мактаб регламенти ва унинг ички тартиб-қоидаларига вазифалар тақсимотини мувофиқлаштириш, мактаб раҳбарларининг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириб бориш жараёнларини инновацион тузилишга эга бўлган мураккаб педагогик тизим сифатида лойиҳалаштириш ва унинг мазмунини такомиллаштириш ҳамда бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларига стратегик ва тизимли ёндашув технологияларини татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан мазкур масалалар тадқиқига бағишланган диссертация мавзуси долзарб ҳисобланади.

Халқ таълими вазирлигининг «Умумий ўрта таълим мактабларининг ички тартиб-қоидаларини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2012 йил 7 июнда қабул қилинган 177-сонли буйруқлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2006 йил 16 февралда қабул қилинган 25-сонли қарори асосида мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Таълим муассасаларини бошқариш, таълим сифатини бошқариш, таълим муассасаси раҳбарлари бошқарув фаолиятини ташкил этиш, олий таълим муассасаси талабаларини бошқарув фаолиятига тайёрлаш, таълим муассасалари раҳбарлари малакасини ошириш йўналишлари бўйича мамалакатимиз олимлари томонидан қатор тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, таълим муассасалари бошқаруви Р.Х.Джураев, М.Мирқосимов, С.Т.Турғунов, Ш.Э.Қурбонов, таълим сифати бошқаруви муаммолари Р.Ш.Аҳлидинов, У.И.Иноятов, олий таълим муассасалари талабаларини бошқарув фаолиятига тайёрлаш Қ.О.Шодмонов, таълим муассасалари раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муаммолари М.У.Дехканова, Ж.Ғ.Йўлдошев, М.А.Юлдашев ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлар А.Saltzman, томонидан таълим муассасалари раҳбарлари касбий компетентлигини ривожлантириш масалалари ўрганилган бўлса, айнан, умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш йўналишида тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган. МДХ мамалакатларида В.П.Топоровский, М.М.Поташник, В.С.Лазарев, Г.С.Абдрахманов, Т.М.Давыденко, В.И.Зверева, А.М.Моисеев, П.И.Третьяков, Т.И.Шамовалар томонидан таълим муассасалари раҳбарлари бошқарув фаолиятининг айрим жиҳатларига бағишланган тадқиқотлар олиб борилган.

Мамлакатимизда олиб борилган илмий тадқиқотларда таълим сифатини назорат қилишнинг педагогик шарт-шароитлари аниқланган. Умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарлари бошқарув фаолиятининг назарий асослари ишлаб чиқилган, мактаб раҳбарлари бошқарув фаолияти жараёни моделлаштирилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бугунги кунда УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш муаммоси алоҳида тадқиқот предмети сифатида танланмаганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти ЎзПФТИнинг илмий-техника дастурлари бўйича ХТ-ИД-1-002 - рақамли «Ўқитувчиларнинг касбий маҳорат ва компетентлигини ривожлантириш механизмини такомиллаштириш»

(2011-1012йй.) мавзусидаги инновацион ҳамда А1-ХТ-1-33147 - рақамли «Узлуксиз таълим тизимида педагогик жараёнларни ташкил этишни бошқариш сифат ва самарадорлигини ошириш технологиялари» номли амалий тадқиқот, шунингдек, Наманган вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти (НВПКҚТМОИ)нинг И1-ХТ-0-1435-рақамли «Тизимли ёндашув асосида умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари касбий компетентлигини ривожлантириш ва бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш технологиялари» (2012-2014 йй.) мавзусидаги инновацион тадқиқотлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** умумий ўрта таълим мактаблари (УЎТМ) раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти йўналишларини инновацион ёндашув асосида лойиҳалаштириш;

мактаб раҳбарлари бошқарув фаолияти йўналишлари ва функционал вазифаларнинг тизимга хос хусусиятлари ҳамда амалий аҳамияти асосида мактаб регламенти ва ички тартиб-қоидаларини такомиллаштириш;

УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари ва замонавий талаблар асосида уларнинг касбий компетентлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини ишлаб чиқиш;

мактаб раҳбарларининг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириб бориш жараёнларини инновацион тузилишга эга бўлган мураккаб педагогик тизим сифатида лойиҳалаштириш ва унинг мазмунини такомиллаштириш;

УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларига стратегик ва тизимли ёндашув технологияларини татбиқ этиш асосида моделлаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларидан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети:** умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш мазмуни, шакли, воситаси технологияларини оширишга оид метод ва механизмлари.

**Тадқиқотнинг усуллари:** диссертацияда педагогик кузатув, суҳбатлар, моделлаштириш, лойиҳалаштириш, ташхис, тест синовлари, педагогик тажриба-синов ишлари, маълумотларни мужассамлаштириш, назарий таққослаш, солиштириш, эксперт баҳолаш, умумлаштириш ва статистик ишлов бериш.

**Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги:**

умумий ўрта таълим мактаб раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишда мактаб фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилувчи асосий йўналишлар лойиҳаси ишлаб чиқилган;

УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти асосий йўналишлари хусусиятлари ҳамда уларнинг амалий аҳамияти асосида мактаб регламенти ва унинг структураси ишлаб чиқилган;

УЎТМ регламенти асосида амалдаги мактаб ички тартиб-қоидалари ва унинг структураси такомиллаштирилган;

УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари ишлаб чиқилган;

УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнлари инновацион тузилишга эга бўлган мураккаб педагогик тизим сифатида лойиҳалаштирилган;

УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнлари инновацион ёндашувлар асосида моделлаштирилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

мактаб раҳбарлари бошқарув фаолияти асосий йўналишларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминлаш асосида УЎТМ фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилувчи жараёнлар тизими лойиҳаси ишлаб чиқилган;

мактаб раҳбарларининг функционал вазифалари асосланган мактаб регламенти ҳамда унинг структураси ишлаб чиқилган ва унинг асосида мактаб ички тартиб-қоидалари ва структураси такомиллаштирилган;

ўзини ўзи баҳолаш жараёнларини ташкил этиш асосида раҳбарларда узлуксиз малака ошириб боришга бўлган эҳтиёжларни мунтазам ривожлантириб боришга хизмат қилувчи мактаб раҳбарлари касбий компетентлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари ишлаб чиқилган;

УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган инновацион педагогик тизим лойиҳалаштирилган;

УЎТМ раҳбарлари учун ташкил этиладиган марказлаштирилган семинар-тренинг ўқув дастури тайёрланган;

стратегик ҳамда тизимли ёндашувлар асосида УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнлари моделлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертация ишида илмий асослаб берилган маълумотлар, таклиф этилган методлар, технологиялар ҳамда тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган дастур, модел ва тавсиялар илмий ходимлар томонидан қўлланмалар ва услубий тавсиялар тайёрлашда, таълим муассасаси раҳбарлари ва педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта



тайёрлаш тизимлари мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти** олинган натижалардан олий таълим муассасалари талабалари ҳамда таълим муассасалари раҳбарлари ва педагог кадрлар малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш курси тингловчилари учун таълим менежменти, педагогика ва бошқарув йўналишида ташкил этиладиган ўқув машғулотида, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳудудий тузилмалари фаолиятида фойдаланиш мумкинлиги билан ҳам тавсифланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Умумий ўрта таълим мактаблари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича олинган натижалар ва ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг «Умумий ўрта таълим мактабларининг ички тартиб-қоидаларини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2012 йил 7 июнда қабул қилинган 177-сонли буйруқлари асосида амалиётга татбиқ этилган мактаб регламенти ва ички тартиб-қоидаларини такомиллаштириш асосида тайёрланган «Мактаб регламенти» ва «Мактаб ички тартиб қоидалари»да фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 7 июлдаги 01-02/1-3.2/2.-сон маълумотномаси) Бу педагоглар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар томонидан бажарилиши зарур бўлган лавозим вазифалари асосида меҳнат тақсмотининг амалга оширилишида ҳамда унинг самарали бажарилишининг таъминланишига хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2006 йил 16 февралда қабул қилинган 25-сонли қарорида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш борасида Халқ таълими вазирлиги тавсияси билан тайёрланган «Таълим бошқаруви (менежменти): назария ва амалиёт масалалари» (Тошкент, ЎзПФТИ.-2013. 144 б.) ўқув қўлланмаси яратилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 7 июлдаги 01-02/1-3.2/2.-сон маълумотномаси) Ушбу қўлланманинг амалиётга татбиқ қилиниши УЎТМнинг ташкилий тузилмаси ва ўқув-услубий таъминотини такомиллаштириш асосида бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишга муайян даражада имконият яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, 8 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб 155 саҳифани ташкил этади (шунингдек, 10 та расм, 9 та жадвал, 130 та фойдаланилган адабиётлар, 11 та илова келтирилган).

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар ҳамда диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари бошқарув фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари”** номли биринчи бобида умумий ўрта таълим мактаби раҳбарларининг бошқарув фаолияти йўналишлари, умумий ўрта таълим мактаби регламенти ва функционал вазифалар, умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари бошқарув фаолияти жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари каби масалалар илмий асосланган.

УЎТМда педагогик жараёнларни ташкил этиш, сифат ва самарадорлигини таъминлашда субъектлар фаолиятини режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш ва объектив баҳолаш, рағбатлантириш асосида мувофиқлаштириш раҳбарларнинг бошқарув фаолиятини ифодалайди (1-расм).



**1-расм.** УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолиятининг асосий йўналишлари тизими лойиҳаси

УЎТМ раҳбарлари томонидан бажариладиган функционал вазифаларнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, бошқарув фаолияти йўналишларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини кўришимиз мумкин. Демак, УЎТМ раҳбарининг бошқарув фаолияти тизим сифатида, яъни умумий мақсадлар йўналишида раҳбарнинг функционал вазифаларини амалга оширишида ташқи муҳит билан ўзаро таъсир кўрсатувчи, алоҳида хусусиятларга эга бўлган, ўзаро боғлиқ ва алоқадор бўлган бошқарув фаолияти йўналишларининг яхлит ҳолда вужудга келишида намоён бўлади.


Мазкур ўзаро боғлиқлик ва алоқадорлик УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти йўналишлари ҳам тизимга хос хусусиятларга эга эканлигини кўрсатади ва бу ўз навбатида, ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш ва унинг самарадорлиги УЎТМ фаолияти регламентини тизимли ёндашув асосида ишлаб чиқилганлиги ва унга барча раҳбарлар, ўқитувчилар, педагог ходимлар ва мутахассислар томонидан амал қилиниши даражасига боғлиқ бўлади.

УЎТМ регламенти Конференцияда тасдиқланади ва унинг асосида мактаб жамоаси барча аъзолари фаолиятига тегишли муайян ички тартиб-қоидалар белгиланади. Белгиланган мақсадга эришиш йўналишида бажарилиши зарур бўлган функционал вазифалар фақат, биргина раҳбар, ёки мутахассис, ёки ижрочига эмас, балки барчага тегишли жараёнлар эканлиги корпоратив ёндашувни татбиқ этиш заруратини белгилайди.

Демак, корпоратив ёндашувнинг ўзига хос хусусиятлари УЎТМ регламентида келтириладиган функционал вазифалар ҳамда белгиланадиган ички тартиб-қоидалар ҳуқуқий асосларга эга бўлиши шарт эканлигини тасдиқлайди. Шундай экан, УЎТМ регламенти қуйидаги структурага кўра ёритилиши мақсадга мувофиқ (2-расм).

Мактабнинг Ички тартиб-қоидалари мактаб раҳбарлари, мутахассислар ва ижрочилар томонидан бажарилиши зарур бўлган функционал вазифаларни амалга оширишда УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлиги ва уни ривожлантириш технологияларини ўрганишни тақозо этади. **“Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари касбий компетентлиги”** номли иккинчи бобда УЎТМ раҳбарлари касбий компетентлиги компонентлари, уни баҳолаш кўрсаткичлари, мезонлари ва методи ҳамда УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнлари мазмуни ишлаб чиқилган.

УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти йўналишлари ҳамда уларга қўйилаётган талабларга асосланган ҳолда, раҳбарларнинг касбий компетентлигини бир неча компонентлардан иборат тизим сифатида ифодалаш мумкин (1 жадвал).



**2-расм.** Умумий ўрта таълим мактаби регламенти структураси

## УЎТМ раҳбарлари касбий компетентлиги компонентлари

Билим	Кўникма ва малака	Тажриба
<p>Таълим муассасаларида бошқарув, бошқарув фаолияти жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари;</p> <p>- таълим муассасалари раҳбари шахси ва унга қўйилаётган талаблар;</p> <p>- таълим муассасаларида педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш; педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришга замонавий ёндашувлар;</p> <p>- мактаб раҳбарларининг функционал вазифалари;</p> <p>- мактаб регламенти ва ички тартиб-қоидалар;</p> <p>- илмий-методик ва тарбиявий ишларни ташкил этиш йўллари ва усуллари;</p> <p>таълим муассасасида психологик хизматни ташкил этиш ва бошқариш</p> <p>- таълим муассасасида инновацион фаолият; педагогик технологиялар ва уларни амалиётга татбиқ этиш;</p> <p>- таълимнинг барча турлари мазмуни, таълим ва тарбиянинг ўзаро боғлиқлиги ва изчилликни таъминлаш принциплари ва ҳ. к.</p>	<p>- рефлексив фаолият кўрсатиш;</p> <p>- олдиндан ҳис этиш;</p> <p>- олдиндан кўриш;</p> <p>- ходимлар фаолиятини мувофиқлаштириш;</p> <p>- олдиндан аниқлаш;</p> <p>- раҳбарлик услубларидан оқилона фойдаланиш;</p> <p>- мулоқотга осон киришиш;</p> <p>- мотивлаштириш;</p> <p>- ахборотлар билан ишлаш;</p> <p>- илмий тасаввур ҳамда эътиқод;</p> <p>- ўзини-ўзи ривожлантириш;</p> <p>- ҳамкорликда фаолият кўрсатиш;</p> <p>халқнинг бой интеллект-туал мероси ва умуминсоний кадрлар асосида таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбия-лашнинг самарали шакллари ва усуллари жорий этиш;</p> <p>- қарорлар қабул қилишда жамоа фикрини ўрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш ва ҳ.к.</p>	<p>- муаммолар ва жараёнларни мустакил таҳлил қила олиш;</p> <p>- асосланган қарорларни қабул қила олиш;</p> <p>- умумқасбий тайёргарликка эга бўлиш;</p> <p>ахборотлар билан ишлаш функцияларидан фойдаланиш;</p> <p>- бошқарув жараёнига инновацион ёндашувлар технологияларини лойиҳалаштириш ва жорий этиш;</p> <p>- бошқарув қонуният-лари, усул ва методлари ҳамда инновацион технологияларни амалиётга татбиқ этиш;</p> <p>- педагог ходимларнинг инновацион фаолиятини ташкил этиш асосида инновацияларни амалиётга татбиқ этиш ва ҳ.к.</p>
Маҳорат	Қобилият	Касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатлар
<p>- тизимли фикрлаш, кенг дунёқараш ва рефлексив тафаккурга эга бўлиш;</p> <p>- шахсларо ва табиат билан бўлган муносабатларда фаол ва адолатли ҳамда муҳаббатли бўлиш;</p> <p>- шахсий манфаатларини умуммиллий манфаатлар билан уйғун ҳолда кўра олиш;</p> <p>- ўзгалар муваффақиятини оқилона баҳолаш, моддий ва маънавий</p>	<p>ўз билими, кўникма ва малакалари ва имкониятларидан фойдалана олиши;</p> <p>- жамоа аъзолари ички дунёсига кира билиши;</p> <p>- ходимлар фаолиятини мувофиқлаштириш йўналишида нотиклик ва талабчанлик, назоратга</p>	<p>- Ватанни севиш, она юртига, ота-онасига ва ёру дўстларига садоқатли бўлиш;</p> <p>- тинчлик, мустакиллик, эркинлик ва бағрикенгликнинг аҳамияти ва заруриятини тушуниб етиш;</p> <p>тарбиявий муносабат-лар жараёнида инсоний</p>
<p>- рағбатлантиришда адолатлилик;</p> <p>- психологик кузатувчанлик;</p> <p>- бўйсунувчиларнинг турли вазият-лардаги ҳатти-ҳаракатлари жараёнида ташқи ҳамда ички дунёсида юзага келадиган ўзгаришларни кўра билиши;</p> <p>мустакил таълим олиш ва ўзини-ўзи ривожлантириш, инновацион жараёнларга ва янгиликларга тайёрлик;</p> <p>- ўз ходимларининг билими, кўникма ва малакаси, дунёқарашини, қизиқишларини, бошқарув жараёнида ўзаро бевосита таъсирлар мавжудлигини тасаввур қилиш;</p> <p>- бўйсунувчиларга таъсир этишнинг энг қулай усулларида оқилона фойдаланиш;</p> <p>- мактаб фаолиятини такомиллаштиришда жамоа аъзолари фаоллигини таъминлай олиш ва ҳ.к.</p>	<p>мойиллик ва кузатувчанлик, ишонтира олиш ва хотирада сақлаб қолиш, тарбиявий муносабатларда фаоллик ва ўрнат бўлиш;</p> <p>- бошқарув мулоқотини тўғри ташкил этиши, бўйсунувчилар билан педагогик нуқтаи-назардан мақсадга мувофиқ ўзаро алоқа боғлаши, поғонавийликни минимал даражада бўлиши ҳамда унда педагогик тактнинг мавжудлиги;</p> <p>- вазиятга кўра ходимларни рағбатлантириш, жазолаш, панд-насихат қилиш ҳолатларини ва унинг натижасини олдиндан ҳис эта олиш ва ҳ.к.</p>	<p>- омилларга асосланиш, эҳтиросларга берилмаслик;</p> <p>- вазиятларга мос равишда ходимларда меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва ишонч туйғуларини шакллантириш;</p> <p>- миллатларо тотувлик ва динларо бағрикенг-лик каби тамойиллар-нинг мазмун-моҳиятини ўқувчи-ёшларга тушунтиришда принципиаллик;</p> <p>- ўз ҳатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш, англаш;</p> <p>- ўзлигини исботлашга, ўзини-ўзи ривожлантиришга шахсий эҳтиёжнинг мавжудлиги.</p>

Демак, УЎТМ раҳбарлари касбий компетентлиги компонентлари тизимга хос хусусиятларга эга эканлигидан келиб чиқиб, шунингдек, бошқарув фаолияти жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ва раҳбарларга қўйилаётган талаблар ҳамда уларнинг касбий компетентлигининг раҳбарлик фаолиятидаги аҳамиятини инобатга олиб, УЎТМ раҳбарлари касбий компетентлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин (2-жадвал).

## УЎТМ раҳбарлари касбий компетентлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

№	Бошқарув фаолияти йўналишлари	Баҳолаш кўрсаткичлари	Балл
1	2	3	4
1.	Мақтаб фаолиятини режалаштириш ва илмий асосда ташкил этиш (жами 20 балл)	<ul style="list-style-type: none"> <li>- мақтаб конференцияси, мақтаб кенгаши ва педагогик кенгашлар фаолияти самарадорлиги;</li> <li>- раҳбарлар ва ходимлар томонидан мақтаб регламенти ва ички тартиб-қоидаларга риоя этилиши даражаси;</li> <li>- белгиланган мақсадга эришиш учун амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларнинг аниқлиги;</li> <li>- фаолиятни олдиндан режалаштирилганлиги ҳамда амалга ошириш усулларини тўғри танланганлиги;</li> <li>- бажарилиши зарур бўлган ишлар моҳиятига кўра мутахассисларнинг тўғри танланиши;</li> <li>- вазифалар тақсимлаш ҳамда масъуллар белгилашда объективлик даражаси;</li> <li>- ахборотлар тўплаш ва таҳлил қилиш усулларида фойдаланиш даражаси;</li> <li>- кадрлар салоҳияти ва мутахассислигига кўра улардан фойдаланишда адолатлилик;</li> <li>- жамоавий бошқарув органлари ва жамоатчилик ташкилотлари фаолияти самарадорлиги;- қарор қабул қилиш жараёнида ходимларнинг иштироки даражаси;</li> <li>- қабул қилинган қарор ва буйруқларнинг бажарилишини ўз вақтида назорат қилиш ва объектив баҳолаш механизмларининг жорий этилганлиги.</li> </ul>	4 2 2 2 1 1 2 2 2 1
2	Кадрлар танлаш, жой-жойига қўйиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш (жами 8 балл)	<ul style="list-style-type: none"> <li>- вазифалар тақсимлаш ва топшириқлар беришда кадрларнинг қобилияти, билими, кўникма ва малакаси, тажрибаси ҳамда мутахассислигини инобатга олиш даражаси;</li> <li>- фанлар бўйича ўқув юктамаларни тақсимланишида ўқитувчилар мутахассислигини инобатга олиш даражаси;</li> <li>- илғор педагогик тажрибаларни омалаштириш механизмларини жорий этилганлиги;</li> <li>- ёш ўқитувчи ва педагог ходимлар билан ишлаш, устоз-шогирд тизимининг мавжудлиги;</li> <li>- узлуксиз малака ошириш учун ўқитувчи ва педагог ходимларга яратилган шарт-шароитлар;</li> <li>- ўқитувчи ва педагог ходимлар рейтингини аниқлаш мезонларининг мавжудлиги ва уларга амал қилиш даражаси;</li> <li>- педагог ходимларнинг инновацион фаолиятга қизиқиши даражаси;</li> <li>- кадрлар билан ишлаш, рағбатлантириш ва жазолашда объективлик ҳамда адолатлилик.</li> </ul>	1 1 1 1 1 1 1 1
3	Педагогик жараёнларни ташкил этиш, бошқариш, сифат ва самарадорлигини ошириш (жами 14 балл)	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ДТС талабларини амалиётда қўллаш ва унинг мониторингини олиб бориш механизмларини жорий этилганлиги;</li> <li>- замонвий ахборотлар коммуникацион технологияларини амалиётга татбиқ этилганлик даражаси;</li> <li>- таълим-тарбия жараёнларини илмий асосда ташкил этиш даражаси;</li> <li>- педагогик жараёнларни моддий-техник ва замонвий илмий-методик маҳсулотлар билан таъминланганлиги;</li> <li>- педагогик жараёнлар ўзаро боғлиқ ва алоқадорликда ташкил этилиши;</li> <li>- педагогик жараёнлар самарадорлигини аниқлаш механизмларини амалда қўлланиши;</li> <li>- мактабда қулай таълимий муҳитнинг мавжудлиги;</li> <li>- мотивлаштириш жараёнлари, фанлар бўйича турли танлов ва мусобақаларни ташкил этишда тизимлилик;</li> <li>- тарбиявий муносабатлар жараёнларини педагогик тизим компоненти сифатида инобатга олиниши;</li> <li>- дарс мукаддас тамойили асосида ўзаро муносабатларнинг шаклланганлик даражаси;</li> <li>- педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда принципиаллик.</li> </ul>	2 1 1 1 1 2 1 1 1 2
4.	Жамоа аъзоларининг яшаш ва меҳнат қилиш шароитларини яхшилаш (жами 10 балл)	<ul style="list-style-type: none"> <li>- педагогик жараён ва унинг иштирокчиларининг моддий-техник ва замонвий илмий-методик маҳсулотлар билан таъминланганлиги;</li> <li>- педагогик жараён субъектларига яратилган шарт-шароитлар даражаси;</li> <li>- педагогик жараён субъектлари муваффақиятларини рағбатлантирилиши даражаси;</li> <li>- мақтаб жамоаси аъзоларининг ҳуқуқлари, манфаатлари ва қизиқишларини ҳимоя қилиш даражаси;</li> <li>- жамоаси аъзоларининг яшаш, меҳнат қилиш, спорт билан шуғулланиш ва ўз вақтида дам олиши учун зарурий шарт-шароитларнинг яратилганлиги;</li> <li>- дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этилиши;</li> <li>- мактабда узлуксиз малака ошириш ва дам олиш хоналарининг мавжудлиги;</li> <li>- илғор педагогик тажрибага эга бўлган педагогларнинг рағбатлантирилиши;</li> <li>- ёш педагог ходимлар учун зарурий шарт-шароитлар яратилганлиги.</li> <li>- мақтаб иш режасида белгиланган чора-тадбирлар ва вазифаларнинг бажарилиши</li> </ul>	2 1 1 1 1 1 1 1 1

## 2-жадвал давоми

		хамкорлик; - мактаб фаолиятидаги янгиликлар ва ўқув режаларига киритилган ўзгаришларнинг миллий-худудий эҳтиёжларга мос келиш даражаси;	1 1
		- мактаб моддий-техник таъминоти, хўжалик ва иқтисодий йўналишлардаги муаммоларни ҳал қилиниши; - педагогик жараёнлар самарадорлигидан ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарининг қониқиш даражаси; - мактаб фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда ҳамкорликдаги фаолият самарадорлиги; - мактаб кенгаши ва педагогик кенгашлар қарорларининг ижрочилар томонидан бажарилиш даражаси; - синф раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг ўз фаолияти юзасидан ҳисоботларини кенгашларда эшитиб борилиши; - ДТС талабларининг бажарилишини назорат қилишда коллегиялик; - ҳамкорликдаги бошқарувга ўқитувчилар, педагог ходимлар ва бошқа ходимларнинг мойиллиги даражаси; - жамоатчилик фикрининг уйғунлиги.	1 1 1 1 1 1 1 1 1
5.	Жамоавий бошқарув органлари ва жамоатчилик ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш (жами 10 балл)	- мактаб иш режасида белгиланган чора-тадбирлар ва вазифаларнинг бажарилиши хамкорлик; - мактаб фаолиятидаги янгиликлар ва ўқув режаларига киритилган ўзгаришларнинг миллий-худудий эҳтиёжларга мос келиш даражаси; - мактаб моддий-техник таъминоти, хўжалик ва иқтисодий йўналишлардаги муаммоларни ҳал қилиниши; - педагогик жараёнлар самарадорлигидан ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарининг қониқиш даражаси; - мактаб фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда ҳамкорликдаги фаолият самарадорлиги; - мактаб кенгаши ва педагогик кенгашлар қарорларининг ижрочилар томонидан бажарилиш даражаси; - синф раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг ўз фаолияти юзасидан ҳисоботларини кенгашларда эшитиб борилиши; - ДТС талабларининг бажарилишини назорат қилишда коллегиялик; - ҳамкорликдаги бошқарувга ўқитувчилар, педагог ходимлар ва бошқа ходимларнинг мойиллиги даражаси; - жамоатчилик фикрининг уйғунлиги.	1 1 1 1 1 1 1 1 1 1
6.	Инновацион жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш (жами 8 балл)	- мақсадга кўра яратилган таълимий ва ижодий муҳитнинг барча учун қулайлиги даражаси; - ўқитувчилар ва педагог ходимларнинг инновацион жараёнлар натижаларидан манфаатдорлиги даражаси; - педагогик жараёнлар иштирокчиларида инновацион жараёнларга қизиқиш шакллантириш, мотивлаштириш жараёнлари самарадорлиги; - ўқитувчилар ва педагог ходимларнинг ташаббуслар ва янгиликларга мойиллиги даражаси; - инновацион жараёнларни ташкил этиш ва самарадорлини таъминлашда коллегиялик; - инновацион фаолиятни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш механизмларини амалиётга татбиқ этилганлиги; - инновацион жараёнларда барча жамоа аъзоларининг қатнашиши учун зарурий шарт-шароитларнинг яратилганлиги; - инновацион фаолият натижалари билан иштирокчиларнинг олдидан таништирилиши.	1 1 1 1 1 1 1 1 1
7.	Ҳамкорликдаги бошқарув фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш (жами 6 балл)	- мактаб кенгаши ва педагогик кенгаш таркиби, кенгаш аъзолари иштироки ва фаоллиги даражаси; - ходимларнинг таклифлари ва фикрларини инобатга олиниши ва ташаббусларни рағбатлантирилиши; - дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорликдаги фаолият иштирокчилари манфаатлари уйғунлашуви даражаси; - дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорликдаги фаолият жараёнида поғонавийлик даражаси; - ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш йўналишидаги мотивлаштириш жараёнларида ходимлар фаоллиги даражаси; - ҳамкорликдаги фаолиятнинг самарадорлиги ва натижавийлигини олдидан аниқланганлиги ҳамда унинг ишончлилиги даражаси.	1 1 1 1 1 1 1
8.	Илмий-методик ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш (жами 4 балл)	- илмий-методик кенгаш фаолияти самарадорлиги; - илмий-методик бирлашма ва илмий-методик семинарлар фаолиятини йўлга қўйилганлиги; - синф раҳбарлари, ўқитувчилар ва ўқувчилар фаолиятини ўрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш механизмларини жорий этилганлиги; - илгор педагогик тажрибаларни оммалаштириш, методик маҳсулотлар тайёрлаш жараёнларида ўқитувчилар ва педагог ходимларнинг фаоллиги даражаси.	1 1 1 1
9.	Ўзини ўзи бошқариш ва ривожлантириш (жами 6 балл)	- ўз устида ишлаши ва мустақил таълим олиши учун шахсий эҳтиёжларнинг шакллانганлиги даражаси; - ўзаро муносабатларда самимийлиги ва бошқаларни ҳурмат қилиши; - тарбиявий муносабатлар жараёнларида фаоллиги ва одиллиги; - ўзини ўзи объектив баҳолаши, ўз фаолиятини ва шахсий сифатларини ўзи томонидан ташхис этиш қўникмаси; - ходимлар исмини айтиб қакириши, ходимлар муваффақиятидан мағрурланиши; - эҳтиросларга берилмаслик, вазиятга кўра ҳамдард бўла олиши;	1 1 1 1 1 1

## 2-жадвал давоми

10	УЎТМ фаолиятини такомиллаштириш (жами 14 балл)	<ul style="list-style-type: none"> <li>- педагогик жараён иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириш ва такомиллаштиришда ташқи муҳитнинг ўзгаришлари ҳамда ривожланишларни инобатга олиниши;</li> <li>- педагогик жараёнларни ташкил этиш, бошқариш, сифат ва самарадорлигини оширишда замонавий ёндашувларни татбиқ этилиш;</li> <li>- мактабнинг ривожланиш мойиллиги ва динамикасини аниқлашда мунтазамлилик, узлуксизлик ва изчиллик тамойилларига асосланиш даражаси;</li> <li>- жамоа аъзолари учун яратилган шарт-шароитларнинг барча учун қулайлиги ва илмийлиги;</li> <li>- таълим жараёни сифати ва самарадорлигини ҳамда ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини баҳолашда ахборотларнинг янгилиги, объективлиги ва ишончлилигини таъминланиши;</li> <li>- ходимларнинг билими, кўникма ва малакаларини ошириб бориш, узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этилиши;</li> <li>- юқори малакали мутахассисларни жалб этиш ва ўқитувчилар салоҳиятини ривожлантириш даражаси;</li> <li>- УЎТМнинг ривожланиш мойиллиги ва динамикасини аниқлаш механизмининг мавжудлиги;</li> <li>- таълим муассасасининг ривожланиш имкониятларини аниқлаш ва такомиллаштиришга жамоа аъзолари мойиллиги даражаси.</li> </ul>	<p>2</p> <p>2</p> <p>1</p> <p>1</p> <p>1</p> <p>1</p> <p>1</p> <p>1</p> <p>1</p> <p>1</p>
		Барча баҳолаш кўрсаткичлари	100

Мазкур жадвалда келтирилган мезон асосида раҳбарлар касбий компетентлигини баҳолашда нафақат умумий ҳолда раҳбарларнинг бошқарувда компетентлигини, балки ихтиёрий бир раҳбарнинг ҳар бир бошқарув йўналиши бўйича алоҳида-алоҳида компетентлилик даражасини аниқлаш мумкин.

Баҳолаш кўрсаткичлари раҳбарларнинг УЎТМ бошқарувидаги асосий йўналишларни сифатли ва самарали ташкиллаганлигини аҳамияти ва кўламига кўра максимум 2 балл ёки максимум 1 балл билан баҳоланиши белгиланган бўлиб, максимум 2 балл билан белгилангани 2;1,5;1;0,5 ёки 0 балл билан, максимум 1 балл билан белгилангани 1; 0,5 ёки 0 балл билан ҳам баҳоланиши мумкин.

Мазкур белгиланган мезонларга асосан УЎТМ раҳбарлари касбий компетентлигининг белгиланган талабларга мос келиш даражаси қуйидаги формула орқали аниқланиши мумкин:

$$RK = \frac{B_o}{B_{\max}} \times 100\% \quad (1); \quad RK_{№} = \frac{B_o}{B_{\max}} \times 100\% \quad (2)$$

Бу ерда, RK – умумий ҳолда барча йўналишлар бўйича раҳбарнинг касбий компетентлигининг белгиланган талабларга мос келиш даражаси;  $RK_{№}$  – маълум бир йўналиш бўйича раҳбарнинг касбий компетентлигининг белгиланган талабларга мос келиш даражаси (№ – 2-жадвалда келтирилган бошқарув йўналиши тартиб рақами);  $B_o$  – баҳолаш жараёнида ходимлар ёки раҳбарнинг ўзи томонидан қўйилган баллар йиғиндиси;  $B_{\max}$  – белгиланган энг юқори балл.



Агар:  $RK > 70\%$  бўлса, раҳбарнинг касбий компетентлиги даражаси белгиланган талабларга мос келади;  $70\% > RK > 55\%$  бўлса, раҳбарнинг касбий компетентлиги даражаси белгиланган талабларга қисман мос келади;  $RK < 55\%$  бўлса, раҳбарнинг касбий компетентлиги даражаси белгиланган талабларга мос келмайди;  $RK_{№} < 55\%$  бўлса, раҳбарнинг касбий компетентлиги даражаси маълум бир бошқарув фаолияти йўналиши бўйича белгиланган талабларга мос келмайди.

Масалан, Баҳолаш жараёнида белгиланган кўрсаткичлар ва барча йўналишлар бўйича қўйилган умумий балл 58 баллни ташкил этса:

$$RK = \frac{58}{100} \times 100\% = 0,58 \times 100\% = 58\% \quad \text{га тенг бўлади ва касбий компетентлиги}$$

даражаси аниқланаётган раҳбарнинг касбий компетентлиги даражаси умумий ҳолда белгиланган талабларга қисман мос келади.

Агарда мазкур баҳолаш жараёнида раҳбарнинг 6-йўналиш, яъни инновацион жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш йўналишида тўплаган бали 4 баллни ташкил этса:

$$RK_6 = \frac{4}{8} \times 100\% = 0,5 \times 100\% = 50\% \quad \text{га тенг бўлади ва касбий}$$

компетентлиги даражаси аниқланаётган раҳбарнинг 6-йўналиш, яъни инновацион жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги касбий компетентлиги даражаси белгиланган талабларга мос келмайди.

Демак, касбий компетентлиги даражаси баҳоланаётган раҳбарнинг белгиланган барча кўрсаткичлар ва барча йўналишлар бўйича умумий ҳолда жами тўплаган бали  $RK > 70\%$  ёки  $70\% > RK > 55\%$  бўлиб, умумий ҳолда раҳбарнинг касбий компетентлиги даражаси белгиланган талабларга тўлиқ ёки қисман мос келса-да, қайсидир бир йўналиш бўйича тўплаган баллари  $RK_{№} < 55\%$  бўлиб, мазкур бир йўналиш ёки қайсидир бир неча йўналишлар бўйича ҳам раҳбарнинг касбий компетентлиги даражаси белгиланган талабларга мос келмаслиги мумкин.

УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнлари сифатида УЎТМда ташкил этиладиган ўқув семинарлари, семинар-тренинглари, очик дарслар, ўзаро дарс кузатишлар, фан кечалари, илмий-амалий конференциялар, илғор педагогик технологияларни оммалаштириш, малака ошириш институтидаги назарий ва амалий машғулотларни ҳамда масофадан ўқитиш жараёнларини узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш билан бир қаторда, ҳар ойда бир марта 20 соатга мўлжалланган марказлаштирилган семинар-тренинг ташкил этиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари (ХТМФМТТЭТБ)га қарашли қарашли УЎТМ раҳбарлари учун ташкил этиладиган марказлаштирилган семинар-тренинг таквимий-мавзуй режасини қуйидагича шакллантирилиши мақсадга мувофиқ (3-жадвал).


**3-жадвал**

ХТМФМТТЭТБга қарашли УЎТМ раҳбарлари учун ташкил этиладиган  
марказлаштирилган семинар-тренинг тақвимий-мавзуий режаси (20 соат)

№	МАВЗУЛАР	Жами
1	Умумий ўрта таълим муассасаларида бошқарув, бошқарув фаолияти жараёнларининг ўзига хос хус-лари	2
2	Умумий ўрта таълим муассасалари раҳбари шахси ва унга қўйилаётган талаблар	2
3	Умумий ўрта таълим муассасаларида педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш	2
4	Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришга замонавий ёндашувлар	2
5	Замонавий мактаб раҳбарларининг функционал вазифалари, мактаб регламенти	2
6	Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ва уларни ташкил этиш йўллари ва усуллари	2
7	Умумий ўрта таълим муассасасида психологик хизматни ташкил этиш ва бошқариш	2
8	Умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарининг касбий компетентлиги	2
9	Умумий ўрта таълим муассасасида инновацион фаолият	2
10	Педагогик технологиялар ва уларни амалиётга татбиқ этиш	2
	Жами:	20


УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнларидан бири ҳисобланган марказлаштирилган семинар-тренинг жараёнида таклиф этилаётган мавзуларни параллел равишда ўрганилишига алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**“Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобда УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омиллар, стратегик ёндашув асосида УЎТМ раҳбарлари фаолияти самарадорлигини ошириш усуллари ҳамда УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларини моделлаштириш илмий асосланган бўлиб, унда келтирилган компонентларнинг ҳар бири УЎТМ раҳбарлари фаолияти самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи стратегик ёндашувни татбиқ этиш жараёни компонентлари сифатида бутун бир тизимни ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатади (3-расм).



**3-расм.** Стратегик ёндашув асосида УЎТМ раҳбарлари фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнлари модели

УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларини моделлаштиришда бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнлари сифатида ХТМФМТТЭТБга қарашли УЎТМ раҳбарлари учун ташкил этиладиган марказлаштирилган - семинар тренинг жараёнларининг тизимга хос хусусиятларини инobatга олиш зарур (4-расм).



**4-расм.** УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнлари модели

Диссертация ишининг “**Педагогик тажриба-синов ишлари ва унинг натижалари**” номли тўртинчи бобида УЎТМ раҳбарлари касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнларини УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган инновацион педагогик тизим сифатида лойиҳалаштирилган. Педагогик тажриба-синов ишлари жараёнларида амалга оширилган ишлар ва унинг натижалари келтирилган.

Педагогик тажриба-синов ишлари Тошкент, Наманган ва Фарғона вилоятлари УЎТМ раҳбарлари ҳамда А.Авлоний номидаги Халқ таълими раҳбар ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида УЎТМ директорлари малакасини ошириш курси тингловчилари иштирокида ташкил этилди.

Таҳлилий босқичда ўтказилган анкета сўровлари жараёнида иштирок этган раҳбарлар томонидан берилган жавобларни объектив баҳолаганимизда анкетада келтирилган саволлар бўйича иштирокчиларнинг деярли барчасида тушунчалар етарли бўлмасада, улар томонидан мазкур тушунчаларнинг ўзлаштириш зарурияти юқори баҳоланганлиги маълум бўлди.

